

«ТАСДИКЛАЙМАН»

## Сардоба туман ҳокими

Уринбосари

М.Эшонхонова



# Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун танлов ҳужжати

Сардоба-2022

Сардоба-2022

# Танлов ҳужжатларининг мазмани:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## 1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

### 1. Танлов предмети ва тахминий қиймати.

1. Танлов предмети: “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-кизлар учун Бухоро шахрига туристик саёҳатлар калкуляция илова килинади.

1.2. Танловнинг юкори қиймати - 58822500 (**Эллик саккиз миллион саккиз юз ийгирма икки минг беш юз**) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Максулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник киемда илова килинган.

**Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати: Голиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблаги ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Сардоба туман ҳокимлиги (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистан, Хоразм вилоят Сардоба туман ҳокимлиги.

**Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади**

2.2. Танлов Сардоба туман ҳокимлиги “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатаб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ухшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблаги микдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан баглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган

тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида  
турганлар;  
мол-мулки мусодара килингандар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва  
бонча шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги  
мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар  
“Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мүмкин.

4.2. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:  
• Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва  
хизматлар курсатилиши керак;  
• Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш  
муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний толовлар ва бошка боғлик курсаткичлар курсатилган булиши  
керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли  
шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган хўлда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда  
тақдим этишлари лозим.

4.3. Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:  
Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:  
• Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати  
илова килинади);  
4.4. Танлов иштирокчиси:  
-факат битта таклиф бериши мумкин;  
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳакиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига  
тўлиқ жавобгар булади;  
-таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш  
киритиш хукукига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАВДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар  
учун таалукли холда эълон килинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори  
асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида  
жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўгрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда  
белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб  
иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига  
жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат  
буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тугрисида танловда  
иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қабул  
қилишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар  
кнритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда  
кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар  
киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суроў юборишга хакли. Суроў келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суроў давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суроўга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суроў келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади